Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 20-may • Seshanba • 63 (27.868) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Бу мусобақалар нафақат спорт майдонларида, балки ҳаётдаги интилишларида ҳам ёшларимизнинг парвозига қанот беради, уларни иродаси мустаҳкам, эл-юртига садоқатли, Ватан шарафини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилади».

ЎЗБЕКИСТОННИНГ НАВҚИРОН АВЛОДИ СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

Нукусда Республика «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари бўлиб ўтмоқда



Истиқлол йилларида мамлакатимизда жасур ва иродали, ҳар томонлама билимли, Ватани ва халқига садоқатли янги ёш авлод ўсиб-улғайди. Бу Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган буюк ишларни муносиб давом эттиришга қодир, соғлом, маънавияти юксак, баркамол ёш авлодни тарбиялашга йўналтирилган сиёсат самараларидир. Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланишга оммавий жалб қилиш бўйича уч поғонали ноёб тизим келажакка қаратилган кенг кўламли ишларнинг муҳим таркибий қисмидир.

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари ушбу тизимнинг асосини ташкил этади. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишнинг узвий қисми бўлган ушбу мусобақаларни ўтказиш тажрибаси бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўрганилмоқда ва ундан амалда фойдаланилмоқда. Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари, барча ўқувчи ва талаба ёшлар иштирок этадиган бундай оммавий мусобақаларни ўтказиш қутлуғ анъана бўлиб қолди. Энг муҳими, ушбу спорт беллашувлари Ўзбекистон ёшларининг дўстлик ва бирдамлиги рамзига, том маънодаги ёшлик, гўзаллик ва спорт байрамига айланмоқда.

Бу йил касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг навбатдаги Республика «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг финал босқичи Қорақалпоғистонда бўлиб ўтмоқда.

Нукусда 17 май куни Республика «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. 12 минг ўринли «Турон» спорт мажмуи стадиони томошабинлар, ёшлар билан гавжум.


...«Баркамол авлод» ўйинларининг чорлов садолари янграйди. Стадионга Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари кириб келади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ерниёзов касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг Республика «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинларини очиқ, деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

2-бет







Олтин медаль соҳиби Ойбек Аброров.

ДАСТЛАБКИ ЧЕМПИОНЛАР

БЕЛБОҒЛИ КУРАШ. Нукус шаҳрида ўтаётган «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари дастуридан жой олган белбоғли кураш беллашувлари якунланди.

Олтмиш килограммгача бўлган вазн тоифасида ўтказилган финал беллашувида фарғоналик Жаҳонгир Фаёзов Андижон вилояти вакили Бобомурод Ҳамдамов устидан соф ғалаба қозонди.

— Мен белбоғли кураш билан тўрт йилдан буён шуғулланаман, — дейди Фарғона Олимпия захиралари касб-ҳунар коллежи учинчи курс талабаси Ж.Фаёзов. — Ушбу спорт тури бўйича вилоятимиз жамоасига олтин медаль тақдим этганимдан фахрланаман. «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари юқори савияда ўтмоқда. Бу спорт байрами доирасидаги маданий-маърифий тадбирлар, таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар бизга янада ғайрат-шижоат, кўтаринки кайфият бағишламоқда.

Қолган вазн тоифасидаги беллашувларда Фарғона вилояти вакили Адҳам Деҳқонов финалда тошкентлик Акмал Нурматовни енгиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, қорақалпоғистонлик полвон Ойбек Аброров фарғоналик Камолиддин Маҳкамов устидан зафар қучиб, чемпионликка сазовор бўлди.



Олтин медаль соҳиби Жаҳонгир Фаёзов.

ЯНГИ СУЗИШ ҲАВЗАСИ

«Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари қизғин давом этаётган айни кунларда қорақалпоғистонлик ёшлар учун замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган янги сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б.Янгибоев Юртбошимизнинг улкан ғамхўрлиги туфайли баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида Қорақалпоғистоннинг шаҳар ва овулларида мана шундай замонавий спорт мажмуалари, ҳашаматли спорт саройлари, заллари ва майдонлари бунёд этилаётганини таъкидлади.

«Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари учун махсус қурилган ушбу иншоотда спортчилар учун барча қулайликлар яратилган. Чўмилиш, кийиниш ҳамда дам олиш хоналари, жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган сузиш ҳавзаси мусобақа қатнашчиларида жуда катта таассурот қолдирди.

— Қорақалпоғистонлик тенгдошларимиз бундай замонавий спорт иншоотида шуғулланиб, мамлакат ва халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришишига ишонамиз, — деди Урганч спорт коллежи талабаси Алишер Султонов. — Бу ерда барча қулайликлар мавжуд.

Янги ҳавзада сузиш бўйича 100 дан ортиқ талаба беллашди. Дастлаб қизлар ўртасида 50 метрга сузиш мусобақаларига старт берилди.

— Ёшларга яратиб берилаётган бундай қулайлик ва имкониятларни шу ёшга кириб кўрган эмасман, — дейди 75 ёшли меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими Жумамурат Шамсуддинов. — Бунинг учун Юртбошимиздан чексиз миннатдормиз. Набираларим спорт билан шуғулланади. Маҳалламизда мана шундай катта сузиш иншооти очилганидан жуда хурсанд бўлдик.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов иштирок этди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Аминбой ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбирлари

4-бет

ОШ ТУЗИ СОФЛИГИ

ёхуд унинг йодланганлик даражаси қандай? Сифатига ким кафолат беради?

Бизни қийнайдиган яна бир муаммо, бу худди шу корхоналарда тайёрланаётган тузларнинг «ранг-баранглиги» — сувда эрувчанлигининг ҳар хиллигидир. Уларнинг ҳаммасига «йодланган», «сифатли» сўзлари 2-3 марта такрор-такрор ёзилади ва ишлаб чиқарилган муддати, сақланиш даври ҳам қатъий тартибда битилади. Аммо...

ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИК ФОРУМ

БМТнинг сўнгги тадқиқотларига кўра, атроф-муҳит ифлосланиши, глобал исиш натижасида ҳар куни 100га яқин турдаги флора ва фауна йўқ бўлиб кетмоқда.

2 3

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 20 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1227,51	1 Польша злотийси	597,06
1 Англия фунт стерлинги	2546,25	1 СДР	2115,07
1 Дания кронаси	271,06	1 Туркия лираси	1044,80
1 БАА дирхами	355,84	1 Швейцария франки	1244,25
1 АҚШ доллари	1306,84	1 ЕВРО	2022,07
1 Миср фунти	244,70	10 Жанубий Корея вони	12,49
1 Исландия кронаси	17,57	10 Япония иенаси	125,36
1 Канада доллари	1300,99	1 Россия рубли	54,85
1 Хитой юани	186,93	1 Украина гривнаси	258,78
1 Малайзия рингтити	403,35		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Хизматлар лицензиялан-

☑ ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

ТАРБИЯНИНГ ОЛТИН КАЛИТИ ОНАЛАР ҚЎЛИДА

Наманганда Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Фаол аёллар» қанотининг минтақавий форуми бўлиб ўтди

Сиёсий, ҳуқуқий саводхон, юксак маънавиятли, имон-эътиқодли, яъни ҳар томонлама етук авлодни камол топтириш ишида фаол қатнашиш Ўзбекистон ХДП «Фаол аёллар» қанотининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Партия дастурий ғояларидан келиб чиқиб, Наманганда бўлиб ўтган минтақавий анжуман «Фарзандларини ўйлаб яшаш халқимизга хос фазилатдир» деб номланди.



2-бет

ЎЗБЕКИСТОННИНГ НАВҚИРОН АВЛОДИ СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи кўтарилади.

Мусобақа иштирокчилари спорт беллашувларида ҳалол, мард ва муросасиз кураш олиб боришга тантанали ваъда берадилар.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда яратилган ёш авлодни спорт билан шуғулланишга оммавий жалб қилиш тизими самарадорлигини вақтнинг ўзи исботлади. Олимпия ҳаракатлари тамойилларига тўлиқ жавоб берадиган ва биринчи навбатда, ёшларга қаратилган ушбу тизим Ўзбекистон аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилаётир. Спорт ҳаётимизнинг муҳим ажралмас қисмига айланмоқда, одамларга барча фаолият соҳаларида меҳнат қилиш учун куч-қувват бахш этмоқда, жисмоний ва маънавий чиниқишига кўмаклашмоқда.

Спорт инсоннинг шахс сифатида камол топишида, унда кучли ирода, ғалабага интилиш, қийинчиликларни енгиш руҳини тарбиялашда, қалби ва онгига ватанпарварлик, эл-юртга содиқлик каби фазилатларни сингдиришда беқиёс аҳамиятга эга. Бугун ушбу олижаноб фазилатлар соҳиби бўлган Ўзбекистон ёшлари бутун дунёга озодлик ва мустақиллик орзуси билан яшаб, ижод қилган буюк аждодларимиз ишларининг муносиб давомчиси эканликларини намоён этмоқдалар. Президентимизнинг ёшлар ҳақида кўрсатаётган ғамхўрлигига барча жабҳаларда эришаётган улкан ютуқлари билан жавоб бермоқдалар.

Ўзбекистоннинг навқирон авлоди ҳар томонлама иқтидорли эканини йигит-қизларимиз нафақат таълим, илм-фан, маданият ва бошқа соҳаларда, балки спортда қўлга киритаётган муваффақиятлари билан ҳам исботламоқдалар. Халқимиз уларнинг Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, бошқа нуфузли халқаро мусобақалардаги ғалабалари билан ҳақли равишда фахрланади.

Кўплаб бўлажак чемпионларнинг оммавий болалар ва ёшлар мусобақалари, шу жумладан, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг «кичик Олимпиада» деб ном олган Республика «Баркамол авлод» ўйинларидаги иштироки уларнинг спорт қобилиятини аниқлашга ёрдам бермоқда. Бу йил мусобақалар баскетбол, волейбол, футбол, гандбол, кураш, белбоғли кураш, енгил атлетика, бадиий гимнастика, теннис, стол тенниси, сузиш ва шахмат — спортнинг 12 тури бўйича ўтказилмоқда.

Бугун нафақат йирик шаҳарлар, балки барча туман марказлари, қишлоқларда ҳам замонавий спорт мажмуалари, зарур спорт анжомлари билан тўлиқ жиҳозланган заллар мавжуд. Бу ерларда кўплаб спорт турлари бўйича секциялар ишлаб турибди, уларда маҳоратли мураббийлар машғулотлар олиб бормоқда.

Мусобақанинг дастлабки босқичларида энг кучли, чаққон ва эпчил 1600 нафарга яқин ёш спортчи аниқланди. Энди улар «Баркамол авлод-2008» ўйинлари финалида медаллар учун кечадиган баҳсларда ўз маҳоратини намойиш этмоқда.

.....Майдонга «Баркамол авлод — 2008» ўйинлари машъаласи олиб кирилди. Кучли прожекторлар ҳиралашиб, стадионни фақат спортчилар қўлидаги машъалалар ёритиб турибди. Анъанага кўра, ушбу машъала Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтининг катта қуёш ўчоғидан ёндирилди ва Нукусга махсус эстафета билан олиб келинди.

Машъаладан ўт олган улкан жомда стадион узра ёрқин аланга порлайди. Уни таниқли спортчилар – кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони Нодира Казакова ва кураш бўйича жаҳон чемпиони Низомиддин Хўжабоев ёқди.

Ушбу аланга ёшларимизнинг буғубор интилишлари, янги ҳаёт қураётган Ўзбекистон халқининг озодлик ва истиқлол ғояларига содиқлиги рамзи сифатида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг Республика «Баркамол авлод-2008» мусобақалари кунлари давомида порлаб туради.

Мусобақаларнинг асосий қисми ўтказилаётган «Турон» спорт мажмуи халқаро стандартларга мувофиқ тўлиқ реконструкция қилинди. Бундан ташқари, Нукус ва Хўжайлидаги 13 йирик спорт иншоотида ҳам мусобақалар бўлиб ўтмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган «Баркамол авлод — 2008» беллашувларининг финал босқичи қатнашчилари учун қизиқарли ва кўнгилочар тадбирларга бой катта маданий дастур ҳам тайёрланди. Унга кўра, таниқли спортчилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндалари билан учрашувлар, диққатга сазовор жойларга экскурсиялар, турли шоулар, концертлар ўтказилмоқда.

... Стадионга байрам мусиқа садолари остида ёш спортчилар, болалар ижодий жамоалари, таниқли эстрада артистлари чиқиб келади. Мамлакатимизнинг истеъдодли ёш авлоди вакиллари ёрқин театрлаштирилган томоша намойиш этди. Бу Ватанимиз келажаги ишончли қўлларда эканини яна бир карра исботлайди.

«Баркамол авлод» спорт ўйинларининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Анна ИВАНОВА,
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Аминбой ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Мавзуга қайтиб

ОШ ТУЗИ

ёхуд унинг йодланганлик даражаси



Кундалик озиқ-овқатимизни ош тузисиз тасаввур этиб бўлмайди. Аммо унинг сифати ҳақида ҳар доим ўйлаб кўрмаймиз. Бугун биз истеъмол қилаётган тузларнинг ҳаммаси ҳам жаҳон стандартлари ва сертификатига асосан тайёрланяптими? Таркибидаги микромакро элементлар мақбул меъёрдами? Софлик ва йодлик даражаси-чи?... Хуллас, бу каби саволлар кўп.

Очиғи, илгари ҳам газетамизда бу мавзуда туркум мақолалар эълон қилинган. Лекин яна бу ҳақда сўз юритмоқни лозим топдик. Сабаби, инсониятни ташвишга солаётган жиддий эпидемик касалликлар қаторига бўқоқ ҳам қўшилган. Мутахассислар фикрича, бўқоқ юқмайди, у йод танқислиги туфайли орттирилади ва энг даҳшатлиси, ўзидан жуда оғир асорат қолдиради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ахборотига кўра, ҳар йили жаҳон бўйича 20 миллион бола йод тақчиллиги боис ногирон, туғма заиф ҳолда дунёга келмоқда. Кўплаб аёллар йод, темир моддалари етишмовчилигидан кўз юммоқда. Энг ачинарлиси, бугунги кунда касалликнинг қитъалараро кенг тарқалаётганлигидир. Жанубий Африка, Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон, Ироқ, Бангладеш, Индонезия каби қатор давлатларнинг каттакатта шаҳарлари ва қишлоқларида минг-минглаб кишилар бу дарду балога йўлиққан. Сир эмас, Марказий Осиё давлатлари ва Ҳамдўстлик республикаларида ҳам бўқоқ, камқонлик, саратон, ошқозон-ичак касалликлари учраб турибди. Айниқса, остеохандроз (яъни, модда алмашинувидан келиб чиқадиган бўйин, елка, бўғинларда туз кўпайиши) касаллиги, буйрак, ўт пуфагида тошлар йиғилиши хасталиги кўпаймоқда. Шунингдек, невроз — асаб касалликлари, турли тошмалар тошиши, ҳар хил аллергик касалликлар ҳам ортиб бормоқда.

Хўш, булар нимадан? Нега, экологик муҳит, тоза сув, тоза ҳаво борасида кўплаб хайрли ишлар қилинаётган, тиббиётда замонавий асбоб-ускуналар ҳамда усуллар қўлланилаётган, ҳатто юрак, буйрак каби нозик аъзолар кўчириб ўтқазилаётган бир пайтда бу каби касалликлар ортга чекинмаяпти.

Тўғри, уларнинг ортишида атроф-муҳитнинг ҳам, ичимлик сувнинг ҳам, саноат корхоналарининг ҳам «ҳисса»си бор, албатта. Бироқ шифокорлар фикрича, асосий сабаблардан бири — бу **ош тузи** бўлиб қолаяпти. Маълумки, республикамизнинг бирор бир вилоятида ёғ-экстракти, шакар, чой, нон ишлаб чиқариш корхоналари каби махсус ош тузи заводи ёки фабрикаси йўқ (туз ва туз ишлаб чиқаришга йўналтирилган цехлар, кичик корхоналардан ташқари).

Қорақалпоғистон, Навоий, Сурхондарёдаги туз конлари ҳавзасида газланган ёки газсиз сув дейсизми, қадоқланган печенье, макарон, қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехлар, кичик корхоналар ҳар қадамда учрайди-ю, жаҳон андозаси даражасидаги туз ишлаб чиқариш қувватлари эса ҳали ҳануз ривож топмаётир. Бугунги кунда республикада у ёки бу ҳажмда 65 та ош тузи ишлаб чиқарадиган корхона бўлса, шунинг бор-йўғи 26 тасидагина тузлар йодга бойитилади.

Бизни қийнайдиган яна бир муаммо, бу худди шу корхоналарда тайёрланаётган тузларнинг «ранг-баранглиги» — сувда эрувчанлигининг ҳар хиллигидир. Уларнинг ҳаммасига «йодланган», «сифатли» сўзлари 2-3 марта такрор-такрор ёзилади ва ишлаб чиқарилган муддати, сақланиш даври ҳам қатъий тартибда битилади. Аммо уй бекалари эътирозларига кўра, нега улар ёғга солинганда кўпириб кетади? Буни қандай тушунмоқ керак?! Шофирконлик Турсуной Очилова қадоқланган туз мазасиз, тақир деса, қизилтепалик Лайло Тоғаева «ҳадеганда эримайди», дея шикоят қилади. Навбаҳорлик Саломат Йўлдошева, навоийлик Роҳила Сулаймоновалар: «нима бало, ҳаммасига гипс қўшилганми, қуйқа ҳосил қилади», деб куюнади. Карманалик пенсионер Каромат момо эса: «қадоқланган тузингдан кўра, кўчада, тележкада сотиб юрилган килолик туз афзал», — дейди гина билан...

Тижоратчилар ёхуд мўмай пул илинжида юрган олиб-сотарлар яширин йўллар билан кўчама-кўча сотиб юрган бекадоқ, килолик тузлар арзонлиги боис жойларда, қишлоқларда харидоргир бўлаётгани бор гап. Афсуски, «арзон шўрва татимас» деганларидек, айни шу йоддан йироқ тузлар турли касалликларга сабаб бўлмаяптими? Шу ўринда яна бир муаммо: туз сифати, сертификати учун республикада **махсус ихтисослашган** бирор-бир лаборатория борми? Етук малакага ва мутахассисликка эга тузшунослар-чи?

Яқинда Навоий «Электрокимё» заводида бўлдик. Бу ерда аҳолибоп ош тузи ишлаб чиқариш цехи бўлиб, унда ойига 350 тонна йодланган сара ош тузи ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулот Бухоро, Ғиждувон, Зарафшон, Мурунтов, Учқудуқ ҳудудларидан ўтиб, Тошкент, Хива, Нукус ҳамда Оролбўйи минтақасигача етказиб берилаяпти.

— Бизда ҳам Россия тузи каби майин, сифатли «экстра» тузига рақобатбардош ош тузи ишлаб чиқарилаяпти, — дейди **кимёшунос мутахассис Бахтиёр Ботиров.** — Туз ишлаб чиқаришга сертификат олиш ва жаҳон андозаси даражасидаги асбоб-ускуналар топиш жараёнларида маълум бўлдики, республикамизда бирор-бир нуфузли идора туз сифати билан мунтазам шуғулланмас экан...

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

ТАРБИЯНИНГ ОЛТИН КАЛИТИ ОНАЛАР ҚЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)



Наманган вилоят партия кенгаши мажлислар залида партия фаоллари, «Фаол аёллар» қаноти аъзолари, Республика «Оила» илмий-амалий маркази тарғибот гуруҳи аъзолари, республика Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари ва бир гуруҳ хотин-қизлар иштирокида ўтган анжуман фарзанд тарбиясига оид фикр-мулоҳазалар ва таклифларга бой бўлди.

— Бутун дунёдаги халқ ва элатларни битта фаолият бирлаштиради, — деди Наманган вилоят партия кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаев. — Бу тарбия аталган улуғ ишдир. Бугун фарзандларимизни миллий қадриятларимиз асосида тарбиялаш, уларни комил инсонлар қилиб вояга етказиш борасида қандай ютуқларга эришдик, нима камчиликларга йўл қўяяпмиз? Ушбу масалаларда яна бир бор фикрлашиш мақсадида сизни кенгашга чақирдик.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сапияхон Раҳимованинг «Фаол аёллар» қаноти, умуман партия ташкилотлари билан хотин-қизлар қўмиталарининг ҳамкорлигини янада кучайтиришга бағишланган маърузасидан сўнг «Фаол аёллар» қаноти раислари Дилором Сайфиддинова (Наманган), Энахон Сидиқова (Фарғона), Турғуной Тожибоева (Андижон)лар ўз вилоятлари ҳудудида фаол аёллар томонидан, айнан ушбу мавзуда амалга оширилаётган ишлар, ташвиқот-тарғибот ишларининг самарали усуллари, эришилаётган натижа ва келгуси вазифалар ҳақида гапирдилар.

Айниқса, Энахон Сидиқованинг фарзандларни китобхонликка жалб этиш, келин бўлаётган қизларнинг сепида бебаҳо дурдона саналадиган китоблардан камида тўрт-бештаси бўлиши кераклиги ҳақидаги таклифи кўпчиликка маъқул бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Муҳаббатхон Абдуллаеванинг аёл, она ва бола ҳуқуқлари, бу борада қонунчилигимизда тўпланаётган тажрибалар ҳақидаги маърузаси иштирокчиларнинг қизғин фикр алмашувига сабаб бўлди.

Вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари, Маънавият-тарғибот марказининг вилоят бўлими раҳбари Зиёвиддин Мансур, шоира Турсуной Содиқовалар фарзанд тарбиясида қадимий урф-одатларимизнинг ўрни, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида ҳаётий мисоллар асосида сўз юритишди. Ёшларни оилага тайёрлаш ишларига жиддий эътибор бериш зарурлиги тўғрисида қизғин баҳс-мунозаралар бўлди.

Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадларида хотин-қизлар масалаларига алоҳида эътибор қаратилган, — дейди «Оила» илмий-амалий маркази Наманган вилоят бўлими раҳбари Мастурахон Муҳамадиева. — Бугунги анжуманнинг мавзуси ҳам ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмади. Фарзандларини ўйлаб яшаш халқимизга хос фазилатдир. Аммо бу муҳим ва муқаддас ишда ҳали камчиликларимиз оз эмаслиги ушбу анжуман жараёнида ҳам сезилди.

Анжуман иштирокчилари Наманган тумани Шўрқўрғон қишлоғида партиядошимиз Тўхтахон Раҳимова бундан беш йил илгари ўз хонадонида ташкил этган «Истиқлол» қишлоқ музейини қизиқиш билан томоша қилишди. Наманган туманида ўтган тадбир жараёнида қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг ўн нафар ёш муаллим ва тарбиячиларига Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзолик гувоҳномалари топширилди. Шунингдек, партия фаоллари Наманган шаҳрининг «Мажнунтол» номли маҳалласида истиқомат қилувчи фахрий педагог Жўрахон Мўминов хонадонида ҳам бўлишди. Отахон етиштираётган минглаб турдаги гулларни завқ билан томоша қилишди.

Анжуман давомида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП «Фаол аёллар» қанотининг бу борадаги ишларининг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *анжуман иштирокчиларидан бир гуруҳи; партия сафига янги қабул қилинганларга аъзолик гувоҳномалари топширилмоқда.*

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда «Миллий музей фонди ва музейлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди. Лойиҳа бўйича депутат Одил Исаев маъруза қилди.

Маълумотларга кўра, ҳозир мамлакатимизда 1200 га яқин музей мавжуд. Қонун лойиҳаси Миллий музей фондини шакллантириш, сақлаш ва ундан фойдаланиш, музей муассасалари фаолияти билан боғлиқ муносабатларни алоҳида қонун доирасида тартибга солишни назарда тутади.

Лойиҳада Миллий музей фонди ва музейларни бошқариш, музей ашёлари ва коллекцияларнинг фуқаролик муомаласи хусусиятлари, мулкчилик шакллари, музейларни ташкил этиш, давлат органларининг мазкур соҳадаги ваколатлари ва бошқа масалалар қамраб олинган.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда ЮНЕСКОнинг конвенция ва тавсиялари, Халқаро музейлар Кенгашининг ҳужжатлари ҳамда қатор мамлакатларнинг қонунчилик тажрибаси ўрганилди ва ҳисобга олинди.

Фракция Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди. Ушбу масала бўйича депутат Шоира Умарова маъруза қилди.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда корхоналарнинг ходимлари бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий ижтимоий суғурта қилинишлари кўзда тутилган. Аммо ҳозирги кунга қадар бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий ижтимоий суғурта қилиш тартиби, шартларини аниқловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмаган. Ушбу қонуннинг мақсади ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жароҳатланган ва касб касалликларига чалинган ходимларни ижтимоий ҳимоялашнинг ҳуқуқий кафолатлари, мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш масалалари ва механизмларини қонуний мустаҳкамлашдан иборат.


Фракция аъзолари лойиҳадаги айрим нормаларни такомиллаштириш юзасидан ўз талкифларини билдирдилар.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

Ижтимоий ҳимоя

ҲАМ ЁШЛАР, ҲАМ КАТТАЛАР УЧУН



Бектемир туман Бандликка кўмаклашиш маркази ва ХДП Бектемир туман кенгаши ҳамкорлигида туманнинг «Астробод» маҳалласида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда Тошкент шаҳрининг турли ҳудудларида жойлашган 20 га яқин ўрта-махсус ўқув юртлари 9-синф битирувчиларига ўз даргоҳлари, уларда яратилган шароитларни намойиш этган бўлса, қатор корхона ҳамда ташкилотлар вақтинча банд бўлмаган фуқароларга ўзларида мавжуд бўш иш ўринларини таклиф этди.

Лола ЯРАШЕВА, ХДП Бектемир туман кенгаши раиси ўринбосари:

—Мақсадимиз ёшлар ўзларига муносиб касб, ўқув юрти танлаб олишига, вақтинча ишсиз фуқаролар, электорат вакилларини доимий иш билан таъминлашга кўмаклашишдир. Энг йирик корхона ва ташкилот вакилларининг ярмаркада иштирок этаётгани меҳнатга қобилятли ёшлар орасида бандлик муаммосини ҳал этишга катта ёрдам беради, деб ўйлайман. Ярмаркада туманимиздаги жами 12 та маҳалланинг барчасидан фуқаролар иштирок этаяпти. Партиямиз Дастурида белгиланган мақсадларни амалга оширишда бундай тадбирларнинг аҳамияти катта.

Довуд Кунаров, «Бинокор» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳалламизда 3000 га яқин фуқаро истиқомат қилади. Улардан 150 нафарга яқини вақтинча ишсиз. Биз бу борада туман Бандликка кўмаклашиш маркази, ХДП туман кенгаши ҳамда унинг Жамоатчилик қабулхонаси билан муттасил ҳамкорлик қиламиз. Яқинда улар кўмагида 27 нафар фуқарони В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга жойлаштиришга эришдик.

Абдусаттор Ибрагимов, Бандликка кўмаклашиш маркази директори:

— Бугунги тадбир орқали мактаб битирувчилари ўқув юртларини, бошқалар иш жойларини танлаяпти. Президентимизнинг янги иш ўринларини яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қарори асосида бундай тадбирларни кўплаб ташкил этишга ҳаракат қиляпмиз. Ярмаркада туманда жойлашган 7 та энг йирик корхона ва бошқа кўплаб кичик тадбиркорлик субъектлари иштирок этаётгани айни муддаодир. Бу борада Ўзбекистон ХДП туман кенгаши билан ҳамкорлигимиз ишларимизнинг самарали бўлишини таъминламоқда.

Гулгун СУЛТОНОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: *бўш иш ўринлари ярмаркасидан лавҳа.*

ЎзХДП ҳаёти

МАФКУРАВИЙ ИШЛАРНИНГ ТАЯНЧ МАСКАНЛАРИ

Бир йил аввал Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашларида Ахборот-ресурс марказлари (АРМ)ни ташкил этиш бўйича иш бошланган эди. ЎзХДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари ҳамда тарғиботчиларга ахборий ва услубий кўмак бериш, мафкуравий ишларга таянч бўлиш ушбу марказлар фаолиятининг бош мақсади этиб белгиланган.

Ўтган давр мобайнида партия кенгашлари томонидан АРМ фаолиятини йўлга қўйиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Кўпгина жойларда шу мақсадда махсус хоналар ажратилган. Зарур адабиётлар, услубий материаллар, тезкор маълумот ва ахборотлар жамланган, техника воситалари ажратилган. Афсуски, барча партия кенгашларида ҳам иш шу йўсинда йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Уларнинг баъзиларида бу муҳим масалага шунчаки ёндашиб, оддий бурчак ташкил этиш билангина чекланилган, мақсадли услубий иш йўлга қўйилмаган.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё ва Сурхондарё вилоят кенгашлари томонидан ташкил этилган «ЎзХДП Ахборот-ресурс марказлари фаолиятининг аҳволи ва улар ишини такомиллаштириш вазифалари» мавзуида ўтказилган семинар-кенгашда бу масала қизғин муҳокама этилди. Вилоятлар партия кенгашлари раислари Рашид Муртазаев ва Ҳамро Эрматов масала юзасидан аниқ таклифларни ўртага ташлашди. Вилоятлар партия кенгашлари раислари ўринбосарлари М.Туропов ва И.Қурбонов, ЎзХДП Қарши ва Термиз шаҳар кенгашлари раислари К.Каромова ва А.Ғойипов, Сурхондарё вилоят Ахборот-ресурс маркази директорининг ўринбосари М.Ҳуррамов, Қашқадарё вилоят Ахборот-ресурс маркази бўлим мудири Ш.Жалолова ва бошқалар ҳам бу борада ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Маҳаллий партия кенгашлари мафкуравий фаолиятининг ушбу таянч масканлари ишини яхшилаш, партия фаоллари ва электорат вакиллари ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига эътибор қаратдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

СОФЛИГИ

қандай? Сифатига ким кафолат беради?

— Шундай туз цехлари борки, йод эритмаси тонна-тонна тузларга оддий супурги ёки ҳашаротларга қарши химикат сепиш мосламаларида сепилаяпти, — дея куюнади **Навоий техника коллежи директори, кимё фанлари доктори, профессор Баҳодир Муҳиддинов.** — Устига-устак, кондан келтирилган туз қотишмаларини бирламчи ишловдаёқ қаттиқ қотишмалардан ва сульфат, сулфед каби оғир кристаллардан тозаланиши кераклиги ҳам ҳеч кимнинг эсига келмайди...

БМТ форумларига, бутун дунё ҳамжамияти йиғинларига, қолаверса, мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси муҳокамаларига сабаб бўлаётган, турли касалликларнинг бутун бир илдизи — ош тузи софлиги инсон ҳаётида ўта муҳим аҳамиятга эга. Соф тузда эрийдиган йоддан ҳар бир киши учун кунига 2-3 миллиграмм зарур.

Хўш, биз бу миқдорни кунлик истеъмолдаги ош тузидан оляпмизми? Тузларимиз оғир кристаллардан холими? Бир килограмм тузда ўртача 25-50 миллиграмм йод қатъий меъёр бўлса, бу меъёр таъминланаяптими?

Ушбу масала таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ош тузимизнинг сифат даражаси, унинг йодланганлик меъёрини кафолатлаш — бугуннинг долзарб муаммоси бўлиб турибди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Мақоладаги мавзу долзарблигини ва масалага ойдинлик киритиш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги (2007 йил, 3 май) Қонун талаблари бажарилиши борасида ***«Ўзстандарт» агентлиги****га мурожаат қилишни лозим топдик.*

Агентликдан олинган жавобда айтилишича, ***«...Қонуннинг бажарилиши юзасидан «Ўзстандарт» агентлиги томонидан буйруқ ва чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, барча ҳудудий бошқармаларга ижро учун юборилди. Чора-тадбирларда белгиланган талаблар ижросини таъминлаш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди.***

Ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари томонидан йодланган ош тузининг сифати доимий назоратга олинган. 2008 йилнинг 1 чорагида йодланган ош тузининг сифати давлат назорати текширувлари ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ходимлари билан биргаликда савдо шохобчаларида мониторинглар ўтказилди ва ишлар давом этмоқда.

2008 йилнинг 1 чораги мобайнида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши томонидан тасдиқланган режага асосан, республиканинг 5 та корхонасида ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган йодланган ош тузининг сифати текширилди. Текширув натижаларига кўра, 3 та корхонада стандарт талабларининг бузилиш ҳоллари аниқланган. Текширув натижаларига кўра, 1 та ҳолатда айбдор корхонага нисбатан маҳсулотни сотиш тақиқланган. Аниқланган камчиликлар асосан, текширилган ош тузи меъёрий ҳужжат талабларига жавоб бермаслиги, маҳсулотнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари меъёрга мос эмаслиги, фойдаланилаётган ўлчов воситаларининг қониқарсизлиги, маҳсулотларни сақлаш ҳолати ва ишлатиш муддатига риоя қилинмаслигидир.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл шаҳридаги ОРТПФ «Янги замон» Б.Т.да сотилаётган йодланган ош тузининг мувофиқлик сертификати йўқлиги, сақланиши ва ёрлиқланиши бўйича стандарт талабларига жавоб бермаслиги аниқланган. Натижада, йодланган ош тузи сотувдан олиб ташланган. Шунингдек, ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаси мутахассислари Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти билан биргаликда мониторинглар ўтказмоқдалар.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Қонунининг ижросини таъминлаш мақсадида Сирдарё СМБ ходимлари Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти билан биргаликда Гулистон шаҳар деҳқон бозори ҳудудида жойлашган 6 та савдо шохобчаларида йодланган ош тузининг сифати бўйича мониторинг ўтказдилар. Мониторинг жараёнида маҳсулотлардан намуналар олиниб, сифат кўрсаткичлари бўйича синовдан ўтказилганда ош тузида йод миқдорининг камлиги аниқланди. Натижада, корхона раҳбарига стандарт талабларига жавоб бермаган йодланган ош тузини сотувдан олиб ташлаш тўғрисида кўрсатма берилиб, тадбиркорларга «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги ва «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлар бўйича тушунтиришлар берилди...

Ош тузи ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг нечтасида йодга бойитилиш тўғрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлигида мавжуд эмас. Республика синов ва сертификатлаштириш идораларининг барчасида озиқ-овқат маҳсулотлари лабораториялари мавжуд бўлиб, улар ош тузи таркибини таҳлил қилиш қобилиятига эга.

Ишлаб чиқарилган ош тузи сифати учун ишлаб чиқарувчининг ўзи масъул. «Ўзстандарт» агентлиги тизимидаги корхона ош тузи сифатини ишлаб чиқариш корхоналари ва истеъмолчига етказиб берувчи корхона (дўконлар)ларда мониторинглар ўтказиш йўли билан текшириб боришади. Аммо бу мониторинглар фақат қонунда белгиланган муддатлардагина ўтказилади...»

Жавобдан ҳам кўриниб турибдики, мухбиримиз мақолада ёзганидек, республикамиз вилоятларида бугунги кунда туз ишлаб чиқаришга йўналтирилган цехлардан ташқари бирор махсус ош тузи заводи ёки фабрикаси йўқ. Мавжуд синов ва сертификатлаштириш идоралари тасарруфидаги лабораторияларни ҳисобга олмаганда, ош тузи сифати билан шуғулланадиган бирор нуфузли идора ҳам ҳозирча йўққа ўхшайди. Эҳтимол, ҳар куни истеъмол қилаётган озиқ-овқатларимизнинг маза-матраси бўлган ош тузи ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг қанчасида йодга бойитилиши тўғрисидаги маълумот «Ўзстандарт» агентлигида бўлмаса, балки статистика идораларида бўлар..?

Таҳририят ушбу муаммолар юзасидан муҳокама, мунозара юритишни жоиз билиб, малакали тузшунос мутахассисларни, олимлар ва тиббиёт ходимларини, ош тузига дахлдор идора ва ташкилотлар раҳбарларини ўзаро мулоқотга чорлайди.

XORIJDA

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Жанубий Корея бош вазири Хан Син Су Боку шаҳрида озарбойжонлик ҳамкасби Артур Расизода билан иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланиш масалаларини муҳокама қилди, деб хабар беради РИА Новости. Учрашув сўнггида икки томонлама меморандум имзоланди. Шунингдек, озарбойжонлик ва кореялик тадбиркорлар иштирокида бизнес-форуми ўтказилди. Шунингдек, вазир Корея Республикасининг тижорат ва сармояларга кўмаклашувчи агентлигининг Бокудаги ваколатхонаси очилишида ҳам иштирок этди.

МОТАМ ТУФАЙЛИ



Хитойда юз берган зилзила қурбонлари хотирасига эълон қилинган мотам туфайли Олимпия эстафетаси уч кунга тўхтатилади, деб хабар беради АР. Олимпиада ўйинлари ташкилотчиларининг махсус баёнотида машъалани олиб бориш душанба кундан бошлаб вақтинча тўхтатилиши айтилган.

Эслатиб ўтамиз, Сичуань музофотида рўй берган зилзила 332 минг кишининг ҳаётига зомин бўлди. Ҳукумат вакилларининг тахминига кўра, 50 мингдан ортиқ киши қурбон бўлган.

Хитой ҳукумати ихтиёрий равишда ёрдамлашишни истаган ўн нафар буюк британияликларнинг мамлакатга киришига рухсат бермади. Раҳбарият бунга ёрдамга келганлар фаолиятини назорат қила олмаслигини сабаб қилиб кўрсатди.

ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИК ФОРУМ



Кеча Германиянинг Бонн шаҳрида асрнинг энг катта ва энг узоқ давом этадиган халқаро экологик форуми бошланди. Расмий тилда тадбир Биологик Хилма-хиллик бўйича БМТ Конвенцияси иштирокчиларининг 9-конференцияси деб номланади. Аниқроғи, Боннда инсоният ер юзидаги ўсимлик ва ҳайвон турларининг йўқолиш жараёнини қай тариқа (тўхтатиш эмас — бу ҳақида гап бўлиши мумкин эмас) секинлаштириши масаласи муҳокама қилинади. Унда сиёсатчи, тадбиркор ва олимлардан иборат 5 мингдан ортиқ делегат иштирок этмоқда. Тадбир 30 майгача давом этади.

Эслатиб ўтамиз, худди шундай шиор билан 2002 йили Йоханнесбургда ўтказилган форумда 2010 йилгача биологик хилма-хиллик камайишини тўхтатиш мақсад қилиб белгиланганди. 1992 йилда имзоланган Конвенцияга 190 та давлат аъзо бўлган. Ўша йилдан бери аъзо давлатлар йилига икки марта йиғилиб, аҳвол борган сари ёмонлашиб кетаётганини таъкидлашади. Масалан, 2006 йилда ўтказилган сўнгги саммитдан бери 12 миллион гектардан ортиқ ўрмон йўқ қилинди. **БМТнинг сўнгги тадқиқотларига кўра, атроф-муҳит ифлосланиши, глобал исиш натижасида ҳар куни 100га яқин турдаги флора ва фауна йўқ бўлиб кетмоқда.** Кузатувчиларнинг фикрича, инсоният тарихида ҳеч қачон ўсимлик ва ҳайвонот олами бундай тезлик билан камаймаган. Агар денгиз ва океанларга муносабат ҳозиргидек давом этаверса, 2050 йилга келиб балиқ овлаш ўзини қоплamайдиган тижорат турига айланади. Олимлар хилма-хилликка қилинаётган таҳдид иқлим исишидан ҳам ёмонроқ оқибатга олиб келишини айтмоқда.

Аксига олиб атроф-муҳит хилма-хиллигини сақлаш билан шуғулланадиганларнинг амалда ҳеч қандай халқаро қонунчилик механизми мавжуд эмас. Иқлимшуносларнинг оқсоқланиб бўлса ҳам ҳаракат қилаётган Киото протоколигина бор, холос. Ҳужжат сўнгги вақтларда деярли иш бермаётган бўлса-да, қатор давлатларнинг атроф-муҳитга бўлган муносабатини йўлга солувчи чоралар жорий этди ва уларга амал қилинмоқда. Ҳайвонот ва ўсимлик олами ҳимоячилари қўлида эса иш бермаётган учта конвенция — қурғоқчилик, иқлим ўзгаришларига қарши ва юқоридаги конвенциялардан бўлак тайинли ҳужжатнинг ўзи йўқ.

Мезбон бўлаётган немислар бу галги конференция фактларни қайд этувчи тадбир эмас, аксинча, ўта муҳим учрашувга айланиши мумкинлигини айтишмоқда. Германия атроф-муҳитни сақлаш вазири Зигмар Габриэль инсоният ўзи яшаётган ер шаридаги жонзотларни ҳимоя қилиш учун олдинга бир қадам ташлай олишини таъкидлади. Мутахассислар фикрича, ҳукуматлар эса бу борада дадил қадам қўйиши амримаҳол. Чунки экологларнинг талаби доим уни хавотирга солади ва бу борада қилаётган ишларини ярим чора дейиш мумкин. Аммо «яшил»ларнинг талабини қондириш кўп мамалакатлар иқтисодини бир жойдан қўзғатмай қўйиши мумкин. Шунга қарамай экологияни асраш учун ажратилаётган маблағлар ерни саноатлаштиришга сарфланадиган маблағга нисбатан анча кўп экани ва давлатлар бу борада жиддий чора кўрмаётганини таъкидлаш керак. Бунга америкаликларнинг яқинда оқ айиқни йўқолиб бораётган ва қонун билан муҳофаза қилинадиган(ов қилинмайдиган) турлари рўйхатига киритганини мисол келтирса бўлади. Айтиш керакки, шундоқ ҳам бу айиқлар ўқлардан эмас, ҳаво исиши оқибатида йўқ бўлиб кетяпти.

Вниманию организаций и предприятий!

АКЦИОНЕРНАЯ КОМПАНИЯ «УЗКУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ»

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ (ТЕНДЕР)

на поставку электродвигателей для ОАО «Кызылкумцемент»

Электродвигатель ДАЗА 2-16-54-8 630 кВт, 750 об./мин. 6000В в количестве 5 штук.	**Заказчик ОАО «Кызылкумцемент»**

Предприятия и организации, выступающие в качестве поставщиков должны соответствовать следующим требованиям: иметь необходимые профессиональные и технические квалификационные данные, обладать финансовыми средствами и другими материальными возможностями, надежностью, опытом и репутацией, обладать гражданской правоспособностью и правомочиями на заключение договора (контракта).

Для участия в торгах и приобретения тендерной документации необходимо обратится с запросом к организатору торга — Акционерная компания «Узкурилишматериаллари». Тендерная документация выдается после уплаты не возвращаемой суммы 600 долларов.

Источник финансирования за счет собственных средств предприятий заказчиков.

Платежные реквизиты:
АК «Узкурилишматериаллари»
Адрес: г.Ташкент, Миракилова, 68а
Расчетный счет: 20210000200127064001
SWIFT BIC: UJSIUZ22, UZPROMSTROYBANK TASHKENT, UZBEKISTAN
CHIPS UID: 353886
TELEX: 116342TRONUZ
Валютный счет: 20210840500127064002
МФО 00424 город Ташкент
Идентификационный номер 200625030

Конкурсные предложения должны быть доставлены организатору торгов по адресу: г.Ташкент, ул.Миракилова 68а. АК Узкурилишматериаллари» тел: 254-48-39, 254-97-29 факс: 255-77-07

Крайний срок представления оферт организатору торгов к дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится через 30 дней после опубликования объявления.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ХИЗМАТГА ЯРАША ИМКОНИЯТ

Мамлакатимизнинг энг йирик молия муассасаларидан бири АТ «Пахта банк» қишлоқ хўжалик корхоналарига хизмат кўрсатиш борасида катта тажриба тўплаган. Банкнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси эса нафақат қишлоқ хўжалик корхоналарига имтиёзли кредитлар бериш, балки уларни айланма маблағлар билан таъминлаш, фермерларнинг қишлоқ хўжалик техникаларига бўлган эҳтиёжларини қондириш борасида ҳам бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. 2008 йил ғалла ҳосилини етиштириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун банк томонидан 9,4 млрд. сўм, пахта ҳосилини етиштириш харажатларига эса 19,3 млрд. сўм кредит берилганлиги фикримиз далилидир.

Банк бошқармаси томонидан қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олиш учун берилаётган кредитлар ва кўрсатилаётган лизинг хизматлари ҳам салмоқли ўринга эга. Бу йўналиш бўйича 14,1 млрд. сўм кредит ва 1,9 млрд. сўм лизинг ресурслари жалб қилинди. Банк кредитлари ёрдамида кейинги йилларда вилоятга 200 га яқин занжирли ҳайдов тракторлари, 2580 дан зиёд чопиқ ва транспорт тракторлари келтирилди. Фақатгина шу йилнинг ўтган уч ойи мобайнида банк кўмаги билан вилоятга Германиянинг «Класс» компаниясида ишлаб чиқарилган «Доминатор-130» русумли ғалла ўриш комбайнларидан 11 та олиб келиниб, фермерлар хизматига берилди. Бунинг учун бошқарма ўз ресурслари ҳисобидан 1,6 млрд. сўм кредит ажратди. Кейинги уч йил давомида банк томонидан ажратилган кредитлар ва амалга оширилган лизинг операциялари ҳисобига вилоятга етмишга яқин янги, юқори унумли комбайнлар олиб келинди.

Умуман олганда вилоят бошқармаси, унинг жойлардаги 16 та филиали ва юздан ортиқ минибанклари томонидан 24300 дан зиёд мижозларга банк хизмати кўрсатиб келинмоқда. Бу борада мижозлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тақкосланганда икки мингтага ошганлигини таъкидлаш жоиз. Шу йилнинг 1 апрель ҳолатига бошқарма томонидан берилган кредитларнинг қолдиғи 76,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Вилоят бошқармаси кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Шу йилнинг 1 апрель ҳолатига жами кредит қўйилмаси 9,2 млрд. сўмни ташкил қилиб, шундан 6,9 млрд. сўми банкнинг ўз маблағи ҳисобидан ажратилган. Беш минг уч юзга яқин кам таъминланган оилаларга саккиз мингдан зиёд қорамол сотиб олишда кўмак берилди.

Ушбу ҳаётий мисолларга эътибор беринг: Шаҳрисабз туманидаги «Муҳаммад ўғли ҳожи Воҳид» фермер хўжалиги сутни қайта ишлаш цехини бунёд этди. Турли дастгоҳлар, асбоб-ускуналар сотиб олиш учун банкдан 50 млн. сўм кредит олди. Бунинг натижасида ҳозир бу ерда сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Муборак туманидаги «Муродиллахўжа» фермер хўжалиги эса қорамоллар сонини ошириш ва чорвачилик сифатини янада яхшилаш учун йирик лойиҳа тузганди. Бу лойиҳани амалга ошириш учун ҳам банк томонидан 50 млн. сўм кредит ажратилди. Қарши шаҳридаги «Фейруз» хусусий савдо ва ишлаб чиқариш фирмасига алюминий профилидан эшик ва ромлар ишлаб чиқаришни кенгайтириши учун 28,9 млн. сўм кредит ажратилди. Бу ерда тайёрланган сифатли маҳсулотлар харидоргирлиги билан ажралиб туради. 36 киши доимий иш билан таъминланганлиги ҳам қувончли, албатта.

«Спорт — соғлик гарови» хусусий корхонасига ажратилган кредит ҳисобидан спорт мажмуаси қайта таъмирланиб, янги спорт анжомлари билан жиҳозланди. «Эзгу Ҳамроҳ» хусусий фирмаси ажратилган кредит эвазига 3,5 млн. сўмлик гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарди. «Шер-Рубероид» хусусий фирмасида маҳаллий хомашёлардан юқори сифатли рубероид ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва 15 киши доимий иш билан таъминланди. Яккабоғ туманидаги «Гулшан» жамоа корхонаси ажратилган кредит эвазига тикув машиналари ва тикувчилик хомашёси сотиб олиб, 23 млн. сўмлик тайёр маҳсулотлар тайёрлади. Натижада 16 нафар хотин-қиз доимий иш жойига эга бўлди. Китоб туманидаги «Жавоҳир Акром» хусусий фирмаси олинган кредит ҳисобига полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, экспорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Ҳукуматимиз томонидан ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган тадбирларни амалга оширишда «Пахта банк» ҳам четда қолаётгани йўқ. Жумладан, банк томонидан уй-рўзғор буюмлари, мебеллар ва маиший техника сотиб олиш учун ажратилган 1,7 млрд. сўмлик кредитнинг 811,1 млн. сўми ёш оилаларга берилди.

Кейинги пайтларда банк хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириб бормоқда. Бу йил баҳорида банк томонидан таклиф этилган хизматлар турларидан бири — деҳқон хўжаликлари, аҳоли шахсий томорқаларида мевали дарахт ва ток кўчатлари, сабзавот, картошка ва полиз уруғликлари сотиб олиш учун микрокредитлар ажратишдир. Бунинг натижасида етиштириладиган сабзавотлар, картошка, мева ҳамда узум миқдорини ошириш учун қулай имконият пайдо бўлди.

Банк томонидан қўшимча имкониятларни қидириб топиш, янги, истиқболли инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш борасида ҳам изланишлар олиб борилмоқда. Бу йилги лойиҳалар портфелига бир қатор инвестицион таклифлар келиб тушган. Жумладан, «2008-2012 йилларда инвестицияларни кенгроқ жалб этиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва қўшимча иш ўринларини яратиш» Дастури лойиҳасига киритилган Деҳқонобод тумани «Окработ» МЧЖда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш учун 300 минг АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳа бўйича таклифлар киритилган. Ғузор тумани «XXI аср» ишлаб чиқариш корхонасида автомобилларга автохизмат кўрсатиш мақсадида асбоб-ускуналар сотиб олиш учун 203 минг АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳа бўйича мижоз томонидан техник-иқтисодий асослар тайёрланмоқда. Шунингдек, Ғузор туманидаги «Сузанна-МО» МЧЖ газкимёсаноат корхоналарига саноатбоп симлар тўқиш ускунасини Хитойдан келтириш учун 150 минг АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳа бўйича шартнома имзолаган бўлиб, ҳозирги кунда техник-иқтисодий асослар ва гаров таъминоти кўриб чиқилмоқда. Яккабоғ тумани «Етим тоғ кўрки» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасининг тошни майдалаш ва қайта ишлаш ускунаси сотиб олиш учун 200 млн. сўм миқдоридаги, «Замон» хусусий корхонасида томат пастасини ва мева шарбатларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, Нишон тумани «Ал-Саид» хусусий корхонасида гипсокартон ишлаб чиқариш лойиҳаларини ҳам молиялаштириш ўрганиб чиқилмоқда.

Ушбу қарийб бир млрд. беш ярим млн. сўм миқдоридаги 9 та инвестицион лойиҳа амалга ошгач, 281 та янги ишчи ўрни яратиш кўзда тутилган, бунинг эвазига ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар ҳажми йиллик 620,0 млн. сўмга етиши кутилмоқда.

Банк томонидан аҳолига таклиф этилаётган энг жозибали хизмат турларидан бири бу омонат жамғармаларидир. Бу хизмат турининг қулайлиги шундаки, омонат жамғармаларини банкда сақлаганлиги учун омонатчига бериладиган фоиз ставкаси юқоридир. Жумладан, «Эгасининг номи кўрсатилмаган» омонат тури бўйича аҳолининг бўш пул маблағлари 1, 3 ва 6 ойга қабул қилинади ҳамда йиллик 26 фоиз, «Баҳор» айёми» муддатли омонатига пул маблағлари 1, 3 ва 6 ойга қабул қилинади ҳамда йиллик 28 фоиз, «Яхши ният» муддатли омонатига, йиллик 30 фоиз, «Умид ниҳоллари» омонат турига эса 12, 15, 18 ой муддатга қабул қилиниб, йиллик 30 фоиз миқдорида тўланади. Банк фоиз тўлашдан ташқари қўйилган омонатнинг сақланиши учун, бу ҳақдаги маълумотларни ошкор қилмаслик, агар банк тугатилса ёки касодга учраса ҳам биринчи навбатда омонатчиларнинг маблағлари қайтарилиши учун жавобгар ҳисобланади. Бу маблағ етмай қолган тақдирда ҳам «Омонатларни ҳимоя қилиш» жамғармаси томонидан фуқароларнинг омонатлари қоплаб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан 2009 йил 1 апрелгача банкларга қўйилган омонатлар декларация қилинмаслиги ҳамда улар солиқлардан ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилиши белгилаб қўйилди.

Банк мижозлари бўш пул маблағларини омонатларга қўйиш учун узоқ йўл босиб туман марказига келиши шарт эмас, бунинг учун жойларда очилган минибанклар ва махсус кассаларга мурожаат қилишнинг ўзи кифоя. Акциядорлик тижорат «Пахта банк» Қашқадарё вилоят бошқармасининг Қамаши, Косон, Касби, Миришкор ва Муборак туманларидаги филиаллари таркибида озиқ-овқат ва деҳқон бозорлари қошида махсус кассалар ташкил қилинган.

Айни кунларда бошқарма жамоаси янги иш режаларини белгилаб олиб, фермер ва кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор амалий чораларни амалга оширмоқда. Банк ходимларининг нияти — бундан буён ҳам хизмат турларини кўпайтира бориб, мижозларга намунали ва сифатли хизмат кўрсатиш.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ.
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

КИЧИК ОЛИМПИАДАНИНГ КАТТА ҲАЯЖОНЛАРИ

Нукус шаҳрида ўтказилаётган мамлакатимиз касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари ўқувчиларининг анъанавий «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинларининг финал босқичи қизғин давом этмоқда



Комила Тўхтаева ва Вероника Есипова.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ШОҲМОТ. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинларининг шоҳмот беллашувлари қизғин давом этмоқда.

Мусобақа тартибига кўра, ҳар бир иштирокчи тўплаган очколарга қараб жамоаларнинг ғолиблик шоҳсупасидаги ўрни белгиланади.

СТОЛ ТЕННИСИ. Спортнинг ушбу тури бўйича баҳслар муросасиз кечмоқда. Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган иштирокчилар қуръа асосида майдонга тушди.

Тошкент вилояти вакиласи Римма Гуфранова илк чиқишида 3:0 ҳисобида ғалаба қозониб, дастлабки очкони қўлга киритди.

БАСКЕТБОЛ. Шаҳардаги тиббиёт коллежи спорт мажмуида қизлар ўртасида баскетбол бўйича кечган баҳсда Навоий ва Сирдарё вилоятлари терма жамоалари ўзаро куч синашди. Беллашувда ҳужумкор ўйин кўрсатган навоийлик қизлар зафар қучди.

ВОЛЕЙБОЛ. Қорақалпоғистон давлат университети қошидаги 1-сонли академик лицей спорт залида волейбол бўйича қизлар баҳсида Хоразм терма жамоаси бухоролик тенгдошларини 2:0 ҳисобида енгиб, биринчи ғалабасини нишонлади.

ФУТБОЛ. Хўжайлидаги стадионда ўтказилаётган футбол учрашувида эса сирдарёлик футболчилар Наманган вилояти вакилларига қарши тўп суриб, 1:0 ҳисобида зафар қучди.

Мусобақалар давом этмоқда.

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА. «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари орасида бадиий гимнастика беллашувлари қизиқарли руҳда ўтди. Йигирма олти нафар гимнастикачи қатнашган беллашувларда тошкентлик спортчилар яққол устунлик кўрсатди.

Кўпкураш беллашувларида пойтахт вакиласи Комила Тўхтаеванинг чиқишлари ҳакамлар томонидан юқори баҳоланиб, «Баркамол авлод — 2008» мусобақаси чемпионлигига муносиб кўрилди.

Бадиий гимнастиканинг кўпкураш баҳсларида иккинчи ўрин яна бир пойтахт вакиласи Вероника Есиповага насиб этди. Учинчи ўринни бухоролик Махасти Жўраева эгаллади.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри терма жамоаси биринчи ўринни, бухоролик гимнастика маликалари иккинчи, хоразмлик спортчилар учинчи ўринни эгаллади.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА бўйича турли масофаларга югуришда маррага биринчи келган навоийлик Тўлқин Суяров, самарқандлик Зарина Тоирова, тошкентлик Дарья Аҳмедова, андижонлик Жавоҳир Аҳмаджонов, сурхондарёлик Ситора Ҳамидова, фарғоналик Ҳусан Эргашев мусобақа чемпиони бўлди.

Қизлар ўртасида уч ҳатлаб сакраш беллашувларида энг яхши натижани қатор халқаро турнирлар ғолиби, пойтахтлик Валерия Канатова қайд этган бўлса, ўсмирлар ўртасида Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилаётган Илёс Абдуллаев зафар қучди.

Ҳозирча, енгил атлетика бўйича ўтказилган мусобақалар натижасига кўра, умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари олдинда бормоқда. Қолган совринли ўринларга Самарқанд ва Тошкент вилояти вакиллари даъвогарлик қилмоқда.

Бугун қорақалпоқ замини юртимиз ёшларининг ўзига хос катта спорт байрами руҳи билан яшамоқда. Тўртинчи маротаба ўтказилаётган «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари дастуридан жой олган 12 спорт тури бўйича мусобақалар Нукус, Тахиатош шаҳарлари ҳамда Хўжайли, Кегайли туманлари спорт иншоотларида зўр уюшқоқлик ва кўтаринкилик билан давом этмоқда. Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган 2296 нафар ўқувчи-спортчининг ҳар бири фақат ғалаба иштиёқида майдонга тушаётир.

17 май куни Нукусдаги замонавий «Турон» стадионида ўтган «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими чинакам байрамга айланди. Унда айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Баркамол авлод» спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табриги ўқиб эшиттирилганида, иштирокчи ва меҳмонлар қалбини ҳаяжон чулғади. Жумладан, табрикдаги ***«Бу мусобақалар нафақат спорт майдонларида, балки ҳаётдаги интилишларида ҳам ёшларимизнинг парвозига қанот беради, уларни ижодаси мустаҳкам, эл-юртига садоқатли, Ватан шарафини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилади»*** деган сўзлар мусобақа иштирокчилари ва мамлакатимиз ўғил-қизларига нечоғли катта ишонч билан билдирилаётганидан далолатдир. Ана шундай юксак ишонч ва ғамхўрликни оқлашга бел боғлаган ёшларнинг спорт майдонларида кўрсатаётган шижоатлари эса юртимиз қишлоқ ва шаҳарларида ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлод улғаяётганлигидан дарак бериб турибди.

Мусобақанинг дастлабки кунида дастурдан жой олган кураш, сузиш ва белбоғли кураш турларидан ташқари барча турлар бўйича баҳсларга старт берилди. Илгари бу каби нуфузли мусобақаларда асосан Тошкент шаҳри вакилларининг яққол устунликларини сезиш қийин эмас эди. Аммо бу галги баҳсларда Наманган, Сурхондарё, Андижон, Навоий вилоятлари ҳамда қорақалпоғистонлик ёшларнинг ҳам рақибларига муносиб қаршилик кўрсатаётганликлари жойларда иқтидорли ўғил-қизларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини англатиб турибди.

— Нукусга фақат ғалаба учун келган эдик, — дейди футбол бўйича Қашқадарё вилояти терма жамоаси ҳужумчиси Шуҳрат Муҳаммадиев. — Қуръага кўра, илк ўйинда самарқандлик тенгдошларимизга қарши майдонга тушдик. Спортда кўп нарса омадга боғлиқ. Учрашувда қатор қулай вазиятлардан фойдалана олмадик. Рақибларимиз ҳам тактик, ҳам жисмоний жиҳатдан устунликларини намойиш этишди. Натижада совринли ўринлар учун курашдан чиқиб кетдик. Албатта, бундан хафа эмасмиз. Энг муҳими, «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари баҳонасида Нукус шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, тарихий обидалари билан танишаяпмиз. Янги-янги дўстлар орттиряпмиз.

— Бундан икки йил бурун Қарши шаҳрида ўтказилган умумтаълим мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2006» спорт ўйинларида иштирок этгандим, — дейди енгил атлетика бўйича Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоаси аъзоси Дилноза Мирзаева. — Ўтган икки йил давомида жуда кўплаб мусобақаларда қатнашдим. Ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Ҳозирда Нукус Олимпия захиралари спорт коллежида таҳсил олаяпман. Спорт ҳаётим мазмунига айланиб бормоқда. Бунинг учун Юртбошимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган уч босқичли спорт тизимидан миннатдорман. Ниятим «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинларида ғолиб бўлиб, ота-онам ва ўз мухлисларимни қувонтиришдир. Худо хоҳласа, келажакда бу каби нуфузли мусобақаларда ўз маҳоратимни ошириб, йирик халқаро турнирлар, Осиё ва жаҳон чемпионатларида ҳам Ватанимиз байроғини баланд кўтараман.

Ҳа, бугун юртимизнинг юз минглаб ёшлари орасидан сараланган иқтидорли ўқувчи-спортчилар кичик олимпиадасининг катта ҳаяжонлари билан яшашмоқда. Уларнинг «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари баҳсларидаги иштироки вақти келиб, мамлакат, қитъа ва жаҳон чемпионатлари ҳамда Олимпия ўйинлари йўлида ўзига хос бир мактаб бўлиб қолишига ишончимиз комил.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ, Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбирлари. Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.



BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 449
12490 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.40
Topshirilgan vaqti — 00.10
1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda

☑ 2008 йил — Ёшлар йили

МАШАҚҚАТ ОРТИДАГИ САОДАТ

Буни Китоб шаҳридаги 10-болалар санъат мактаби ўқувчилари чин дилдан ҳис қилишмоқда

Баркамол авлодни тарбиялашда санъат, айниқса, мусиқанинг ўрни беқиёс. Яқинда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш мақсадида Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши эълон қилинди. Бу эса соҳа ходимлари ва санъат мактабларида таҳсил олаётган ўқувчиларни беҳад қувонтирди.



Бу мактабга қадам қўйишингиз биланоқ ёқимли мусиқа садолари фикри-хаёлингизни тортади. Мактаб директори Анвар Абдуллаев билан йўл-йўлакай суҳбатлашиб, бу масканда яратилган шарт-шароитларга эътибор қаратамиз. Ҳаммаёқ ораста, залларнинг деворларига Бетховен, Моцарт, Юнус Ражабий, Икром Акбаров каби дунёга машҳур санъаткорларнинг суратлари илинган. Бир хона ичкарисидан фортепиано овози эшитилади. Куйни 3-синф ўқувчиси Зуҳра Боймуродова чалаётган экан. Устози Орзигул Халилова бунга изоҳ бериб, «Бу Борис Глинканинг «Сўзсиз қўшиқ» деб номланган мураккаб куйи, дейди.

— Санъат мактабимиз 1969 йилда ташкил этилган, — дейди Анвар Абдуллаев. — Саксонинчи йилларда шу бинога кўчиб ўтганмиз. Ўрта мактабларда таҳсил олаётган ўқувчиларни иқтидорига қараб танлаб оламиз. Бизда улар асосан дарсдан кейин келиб шуғулланишади. Фортепиано, рубоб, ғижжак, доира каби халқ чолғу асбоблари, анъанавий ижрочилик бўлимларимиз бор. Ҳозир 19 нафар ўқитувчимиз 140 нафар ўқувчига санъат сир-асрорларини ўргатишмоқда.

— Қишлоғимиз билан Китоб шаҳри ўртасидаги масофа 12 километр, — дейди Саидакром Сиддиқов. — Мактабнинг 7-синфида ўқийман. Халқ чолғулари бўлимида рубоб чалишни ўрганаяпман...

Ўтган йиллар мобайнида мактабдан ўнлаб истеъдодли санъаткорлар етишиб чиқди. Қаршидаги санъат коллежи ва Тошкент давлат консерваториясида таҳсил олаётган китоблик талабалар ҳам илк сабоқни шу ерда олишган.

— Болада иқтидор бўлиши мумкин, бироқ уни тарбиялаш эса осон иш эмас, — дейди Орзигул Халилова. — Шогирдларим фортепианода машҳур композиторларнинг куйларини ҳам чала олишади. Улар орасида опера қўшиқчилигига қизиққанларим бор. Овозни сақлаш, жозибали куйлаш сир-асрорларини ўргатамиз. Чунки юртимизда бугун нафақат миллий, балки замонавий санъат турлари ҳам ривожланиб бормоқда.

— Ҳамкасбимнинг фикрига тўлиқ қўшиламан, — дейди Ирина Овчаренко. — Биз, устозлар ўқувчилардаги қобилиятни эринмай камолга етказишимиз лозим. Санъаткор қобилияти бирданига юзага чиқадиган жараён эмас. Иқтидорнинг калити — меҳнат!

— Президентимизнинг шу йил 7 январдаги Фармойиши бизнинг соҳамиз мутахассислари ва шогирдларимизни жуда қувонтирди, — дейди мактаб директори Анвар Абдуллаев. — Чунки бизнинг мактабимизда ҳам айрим муаммолар бор эди. Энди уларнинг ечими топилади.

Дарҳақиқат, олий мақсад ҳам шу. Ўтган йили «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалида Лола Эркинова ва Эъзоза Жалиловалар дуторда куй ижро этиб, мутахассислар эътирофига сазовор бўлишди. Бугун мактабда уларга ўхшаган иқтидорлилар кўп, келажакда етук санъаткор бўлиш ниятида ўқиб-ўрганишмоқда. Орзуларига улар албатта, етадилар. Чунки машаққатли меҳнат ортида саодат борлигини бу ерда таълим олаётган ҳар бир ёш қалбдан ҳис этмоқда.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: *Зуҳра Боймуродова устози Орзигул Халилова билан.*

ИҚТИДОРЛАР СИНОВИ

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида жисмоний тарбия назарияси ва услубияти фани бўйича республика олимпиадаси бўлиб ўтмоқда. Унда мамлакатимиз олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 15 нафар талаба иштирок этмоқда.

— Мазкур олимпиада икки кун давом этади, — дейди педагогика фанлари доктори, профессор Раҳматулла Саломов. — Унда талабаларнинг жисмоний тарбия дарси таҳлили, ёзма ижодий иш, тест ва мутахассислик бўйича нутқлари синовдан ўтказилади. Ғолиб бўлган ёшлар магистратурага имтиҳонсиз кириш ҳуқуқига эга бўлишади.

— Мен Қўқон давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультетининг тўртинчи курсида ўқийман, — дейди Ислом Рўзматов. — Ўқишни битиргач, ёшларга жисмоний тарбия фанидан сабоқ бермоқчиман. Олимпиада давомида нафақат ўз билимларимизни текшириб кўрамиз, балки устозлардан зарур йўналишларни олиб, кейинги фаолиятимизда фойдаланамиз.

Олимпиада бугун ўз ниҳоясига етади.


(Ўз мухбиримиз)

БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИ МАВСУМГА ТАЙЁРМИ?

Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси сел ва сув тошқинлари, кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга оид тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида яқинда вилоятда жойлашган 41 та болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг мавсумга тайёргарлик ҳолатини санитария-эпидемиология, ёнғин хавфсизлик хизмати, ички ишлар ва ҳудудий ҳокимликлар вакиллари билан биргаликда кўздан кечирди.

Бугунги кунда мавжуд оромгоҳларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, болаларнинг шинам ва тоза ётоқхоналарда ҳордиқ чиқаришлари учун янги бинолар қуриш ҳамда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Оромгоҳларга фавқулодда вазиятлар содир бўлганда амалий ҳаракат қилиш режаси, фуқаро муҳофазасига бағишланган плакат, эслатма, рисола ҳамда услубий қўлланмалар тарқатилди.

Май ойи бошида эса Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларида жойлашган оромгоҳларда хизмат кўрсатиши белгиланган 100 нафардан зиёд тарбиячилар учун ўқув-услубий машғулот уюштирилди. Мазкур шаҳарларда жойлашган болалар оромгоҳлари учун 6 хилдаги эслатма, рисола, турли тасвирий паннолар тайёрлаб қўйилган.



Республика доимий комиссияси томонидан белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида вилоят ҳокимлигида соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича вилоят доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди. Унда вилоят касаба уюшмалари кенгаши, соғлиқни сақлаш, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, халқ таълими, ўрта-махсус касб-ҳунар таълим бошқармалари, санитария-эпидемиология хизмати ҳамда туман ҳокимликларидан вакиллар иштирок этиб, бу йилги дам олиш мавсумида болаларни мароқли ва сермазмун ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитларни юқори савияда ташкил этиш, хавфсизликни таъминлаш, санитария ҳолатини яхшилаш ишларига эътибор қаратилди.

Хуршид СОТИЕВ, Тошкент вилоят ФВБ бошлиғи ўринбосари, капитан.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жамоаси банк Бошқаруви Раисининг маслаҳатчиси Мухтор Маҳмудович Ҳақбердиевга отаси

Маҳмуд ҲАҚБЕРДИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзстандарт» агентлиги жамоаси Сирдарё синов ва сертификатлаштириш маркази директори **Собиржон ИСМОИЛОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.